

Масжидул Ҳаромда зиёратчилар учун замзам сувини ташувчи робот ишга туширилди



16:36 / 14.06.2021 1390

Саудия Арабистонида зиёратчиларнинг чанқоғини қондириш учун замзам сувини гигиеник тарзда тарқатиш учун дастурлаштирилган робот хизмати йўлга қўйилди.

Масжидул Ҳаромда чанқоғини қондириш учун кўпинча зиёратчиларнинг узун навбатлари бўлар эди. Энди бу муаммони ҳал қилиш мақсадида янги сув ташувчи робот ихтиро қилинди. Бу робот бутун масжид бўйлаб замзамни сувини тарқатиш учун дастурлаштирилган.

Якшанба куни робот намойишга қўйилди ва масжид атрофида ҳаракатлана бошлади. У ўтиб кетаётганда ходимлар ундан шишани тортиб олишга муваффақ бўлишди.



Икки муқаддас масжид раҳбари Абдурахмон ас-Судайснинг сўзларига кўра, пандемия даврида зиёратчилар хавфсизлигини таъминлаш учун технологик ютуқлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эди. Ушбу робот биз ҳозир эътибор қаратаётган коронавирусни камайтириш учун яратилган.

Қолаверса, зиёратчилар ва масжид ходимлари узоқ навбатга туришлари ёки шишаларни бошқалар билан баҳам кўришлари шарт эмас. Бунинг ўрнига улар робот олиб кетаётган замзам суви солинган шишани олишлари кифоя қилади.

Ас-Судайснинг тушунтиришича, ақлли робот сувни гигиеник орқали тақсимлайди.



Пандемия ва дунё бўйлаб ижтимоий масофа сақлашдан аввал, Саудия Арабистонига 2,5 миллионга яқин зиёратчилар Ҳаж қилиш учун ташриф буюрган. Бироқ бу йилги Ҳаж зиёрати 60 минг киши билан чекланган. Ўтган йилгидек, зиёратчиларга фақат Қироллик фуқаролари ва резидентлари кириши мумкин.